ИНСОФ САРИ БАРАКА!

# Осиё бозори

№ 28

1993 йил 11 июнь.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

## ЯЙЛОВ АКАДЕМИГИ

Халқимиз ўткинчи умрни оқар дарёга қиёслайди. Дарё қанчалик теран ва сокин оқса, ўтаётган умр ҳам шунчалик қувонч ва ташвишларга, ғам-андуҳларга, хотирага мангу муҳрланиб қоладиган шодликларга тўлиб-тошган ҳолда кечади. Ҳикоямиз қаҳрамони Пўлатнинг ҳам умри тизгинсиз жўшқин дарё сингари текис ва тўкис ўтаётгани йўқ. Бешафқат ҳаёт уни қатъиятли, бир сўзли, матонатли қилиб тарбиялади. Чунки унинг болалик йиллари ниҳоятда оғир дамларга, инқилоб ва коллективлаштириш йилларига тўғри келди. Ўша пайтларда Денов (Шофиркон) районидаги Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалигида дала ишлари асосан қўлда бажариларди. Тракторлар у ёқда турсин ҳатто олти культиваторлар ҳам бармоқ билан санарли эди.

Сулаймон Бобоев билан Қиммат ая жамоа хўжалигида ишлашар, ер чопиб, қўш-омоч ҳайдаб тирикчилик ўтказишарди. Онасининг қанор-қанор пахта терганини, отаси эса аравада пахта ташиганини Пўлат ҳали-ҳали яхши эслайди. Эндигина мактаб ёшига етганда қирғинбарот уруш бошланди. Қаҳатчилик, очарчилик тугаб, эл энди эркин нафас оламан, деганда бошланган бу аёвсиз уруш нафақат Шофирконнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг тоғни урса талқон қиладиган эркакларини, навқирон йигитларини қўлга қурол олишга, ёвга қарши мардона жанг қилишга мажбур этди. 1941 йил охирларида ҳамма тенгқурлари қатори Сулаймон Бобоев ҳам ватан ҳимоясига отланади... Уруш урушлигини қилди. Юрт учун, орият учун оловга кирган шофирконликларнинг аксарият кўпчилигидан қирқ биринчи йилнинг ўзидаёқ «қора хат» олинди. Бундай кулфат Сулаймоновлар хонадонини ҳам четлаб ўтмади. 1942 йилнинг айни кўкламида машъум «қора хат» келди. Унда Сулаймон Бобоевнинг Смоленск шаҳри остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги билинган эди.

Ўспирин Пўлат учун бундан ортиқ кўргулик йўқ эди. Шу-шу унинг учун изтиробли, мудҳиш кунлар бошланди. Ёлғиз суянчиғи, меҳрибон волидаси йўқчилик, қаҳатчилик сабабли бошқа кишига турмушга чиқишга мажбур бўлди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган Пўлат эса яқин қовми-қариндошлари қўлида қолди. Қишлоқдаги ўрта мактабнинг еттинчи синфини аранг тугатдию колхозга ишга кирди. Кичкинагина жуссаси билан хўжаликда кетмон чопди, отли культиватор ҳайдаб, экин қатор ораларига ишлов берди.

1955 йилнинг апрели. Боймуродда Шофиркон районининг қўйлари бўлгани учун бу ерга қўшимча ишчи кучи сифатида ёрдамчи жун қирқимчилар юборилди. Улар қаторида бўйи пастгина, ўспирин йигитча ҳам бор эди. Бу — жамоа хўжалиги ишчиси Пўлат эди. У қўйчивонлар диёрига, асрий Қизилқум қўйнига қирқимчи сифатида келган эди. Қўйчи нималигини билмайдиган Пўлат тезда иш ҳадисини олди ва бемалол қўйлар жунини қирқадиган бўлди, бундан ташқари қирқимчиларга қудуқ суви тортиб берар, самовардан чой дамлаб келарди. Ундаги бу ғайратни, эпчилликни кўрган хўжалик бош чўпони Ҳамид Бобосодиқов Пўлатни ўзига ёрдамчи чўпон, шогирд қилиб олди. Шу-шу Пўлатнинг йўли сарҳадсиз Қизилқум яйловларига, қўйчивонлар диёри Боймуродга тушиб қолди. Бу йўл бутун умрга татигулик қутлуғ ва нурли йўл эди. Ҳамид Бобосодиқов билан Пўлат то 1957 йилга қадар қўй боқди. Эллик еттинчи йил бошида эса у Ғиждувондаги уч ойлик курсга ўқишга юборилди.

Курсни битириб қайтгач Пўлат ферма мудирининг ёрдамчиси, кейинчалик эса ферма ҳисобчиси бўлиб ишлади. 1959 йилда эса у Самарқанддаги техникумни аъло баҳоларда тугатиб, фермада зоотехниклик қилди. Худди ана шу даврда уйланди. Турмуш ўртоғи Кароматни ҳам Боймуродга кўчириб келди. Аммо онаси Қиммат ая яйловга, олис Қизилқумга кўчишга унамади. Деновда улғайган, болалиги пахта даласида ўтган эмасми, Каромат ҳам Пўлат билан елкама-елка туриб меҳнат қилди. Пўлат қўйчилик, унинг ривожи билан машғул бўлса, ёш келин — Каромат тикувчилик, бичувчилик билан шуғулланди. Қозоқ диёрида ёш хотин-қизларга тикувчилик сир-асрорларини ўргатди.

1964 йилдан бошлаб барча колхозлар қўйлари бирлаштирилиб, қўйчиликка ихтисослаштирилган алоҳида давлат хўжаликлари ташкил этилди. Бир йилдан сўнг Пўлат Вобкент районига қарашли, айни пайтда эса Конимех районига қарашли «Шофиркон» давлат хўжалиги 1-фермасига мудир этиб тайинланди. Бу Пўлатга билдирилган юксак ишонч эди. Чунки оддий қирқимчи сифатида чўлга келган ёш йигит орадан ўн йил ўтгач ўз қобилияти, ишга ижобий муносабат туфайли ферма мудирлиги даражасига кўтарилди. Унинг тиришқоқлиги тадбиркорлиги сабабли тез орада ферманинг 18 минг бош қўй-қўзиси 27 мингга етказилди.

— 1968—69 йилларнинг қаҳратон қишини тасаввуримга сиғдиролмайман, — дейди Пўлат Сулаймонов. — Ўша қишловда Ғиждувон районидаги «Кўкча» совхози билан бизнинг «Шофиркон» хўжалигидан қарийб юз минг бош мол нобуд бўлди. Бироқ мен раҳбар бўлган фермада у қадар чиқим рўй бермади. Ўша йил кўкламига чиқиб, ўстиришга кўзи қолдириш, давлатга қоракўл тери ва жун сотиш режаларини ошириб бажардик. Натижада фермамизга доимий сақлаш учун Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг кўчма қизил байроғи топширилди. Ўзимга эса Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи берилди. Бунинг устига ўша оғир қиш якунлари бўйича 1970 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирландим. 1972—73 йилларга келиб, ишимиз янада юришиб кетди. Ҳам тўл олишда, ҳам маҳсулот сифатини яхшилашда фермамиз нафақат фермалар орасида, балки хўжаликда пешқадам бўлиб олди. Шунинг учун менга «Ҳурмат белгиси» ордени ҳам берилди.

Ҳа, меҳнат жабҳасида тобланаётган, ўз замондошлари қатори эл маъмурчилиги йўлида хизмат қилаётган Пўлат тақдирини билимдонлиги, уддабуронлиги туфайли ўзи яратди. У ҳалол меҳнати, ташкилотчилик қобилияти туфайли эл оғзига тушди. Айниқса, асл Бухоро қоракўл қўйлари маҳсулдорлигини оширишда, кумушранг, қора сур териларини кўпайтиришда ўзига хос мактаб яратди. Ўзи мудир бўлган ферма марказини обод қилди, электр келтириб, ўтов ва овулларни чароғон этди. Эл-юрт ташвишини ҳузур-ҳаловатидан устун қўйгани учун бўлса керак, уни 1974 йилда директорликка тайинлашди.

— 1975—80 йилларда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан яхши натижаларни қўлга киритгандик, — дейди Пўлат Сулаймонов. — Лекин косамиз оқармади. Энг кўп чорва маҳсулотлари етиштириб, зотли, наслли совлиқларни икки, ҳатто уч баравар кўпайтирсак-да номимиз тилга олинмади. Совхозимиз илғорлар сафига киритилмади. Шунда ҳам ишлайвердик, ишлаганда ҳам одамларни эргаштириб, чўпон-чўлиқлар шарт-шароитини, турмуш тарзини яхшилашга интилиб ишладик. Шундан бўлса керак, ўзбек бўлсамда қозоқ элида обрў-эътибор топдим.

Назаримизда, бу камсуқум, камтарин, одамохун инсон меҳнатлари энди қадрланаётганидан бўлса керак, у қалбини, юраги тубидаги дардларини бизга очаётганди. Турғунлик йилларида Пўлат Сулаймоновнинг ўзи ҳам, кўп сонли чорвадорлар жамоаси ҳам унутиб келинаверди. Обкомнинг собиқ котиблари — Абдувоҳид Каримов, Анатолий Ефимовдек буйруқбоз, амал курсисидагилар Сулаймоновдек ишчан, ҳалол, жонкуяр раҳбарлар билан келишолмаганлиги эндиликда сир эмас.

Ҳаёт доимо ҳаракатда. Ҳаётнинг ўзи эркалатиб қўйган амалдорларни ўзи супуриб ташлади. Бу қайта қуриш ошкоралик, покланиш туфайли юз берди. Худди шу оқни — оқ, қорани — қора, дейдиган замон келди-ю, заҳматкаш бободеҳқоннинг ҳиммати баланд пахтакору чорвадорнинг елкасига офтоб тегди. Эндиликда тоғу тошда, олис яйловларда юрган чўпон-чўлиқ ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини, тегишли улушини билади. Меҳнатдан қанчалик манфаатдорлигини ҳис этади.

Худди шу ишонч, якдиллик туфайли «Шофиркон» давлат хўжалигида қўйчилик юксалаяпти. Буни П. Сулаймоновнинг ишбилармонлиги ва уддабуронлигига ҳам боғлаш мумкин. Чунки Пўлатнинг умр зарварақларини бирма-бир очадиган бўлсак, унинг Боймуродга келганига 37 йилдан ошаяпти. Бу бир йигит умрига тенг. Ана шу вақт мобайнида Боймуродқудуқ қақроқ саҳродан ажиб бир посёлкага, шинам агрошаҳарчага айланди. Бу ердаги ҳар бир ўтов, ҳар бир чўпон уйи Пўлатнинг кўз ўнгида, кўмагида тикланди. Шунинг учун ҳам уни боймуродликлар биринчи қалдирғоч, илк бунёдкор сифатида ҳурмат қилишади. Мана, унинг ферма мудири эмас, директор бўлганига ҳам 16 йил тўлди. Хўш, бу ўн олти йил қайси бир яратувчилик, қайси бир ташкилотчилик билан уйғунлашди? Бу узоқ йиллар ичида қўйчивонлар маскани қай тарзда шаклланди? Қурилишлар, ободончиликлар-чи? Ифтихор билан айтиш мумкинки, Боймуродда ҳар йили юз, икки юз минг сўмлик эмас, балки 1—1,5 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Шу боис бу ерда 5 та мактаб, 2 та клуб, 6 та фельдшер-акушерлик пункти, 1 та замонавий амбулатория, 25 ўринли касалхона, 5 та ҳаммом, 7 та савдо шахобчаси, 2 та чойхона қад ростлаган. Бундан 3,5 мингга яқин аҳоли тўла баҳраманд. Агар посёлканинг чўл ўртасида бўлса-да тўла электрлашганлиги, водопроводлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак Боймуроднинг шаҳарча, деб таъриф берилганига ишонч ҳосил қиласиз. Кейинги икки йил ичида Боймуродда янгидан 25 оила ҳовли тўйларини ўтказганлигини қайд этсак ёки 45 оила уй-жой қуриш учун томорқа олганлигини таъкидласак, раҳбарнинг нималарга қодир эканлигини яна бир карра ҳис этасиз.

Дарҳақиқат, Пўлатнинг Боймурод ва боймуродликлар учун ҳиссаси ниҳоятда катта. Ана шундан бўлса керак мазкур посёлкадаги бирор тўй ва тантана усиз, унинг иштирокисиз ўтмайди. Фақат чўпон — чўлиқларга ғамхўрлик ёки меҳнат кишисини ижтимоий ҳимоялашдагина эмас, балки Пўлат Сулаймонов ўзининг раҳбарлик даврида хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам муносиб улуш қўшди. Айни пайтда у раҳбар бўлган хўжаликда 85 мингдан ошиқ қўй-қўзилар боқилаяпти. Шундан 57 мингга яқини совлиқлардир. Улардан олинаётган чорва маҳсулотлари салмоғи, сифати жиҳатдан эса хўжалик нафақат вилоятда, балки республикада пешқадам. «Шофиркон»ликлар қаторасига уч маротаба Ўзбекистон партия — ҳукуматининг кўчма байроғи ҳам дипломи билан тақдирланишди. Ўтган йилни ҳам хўжалик аҳли муносиб якунлашди. Натижада тармоқдан 1,5 миллион сўм соф фойда кўрилди. Уч йилдрики, хўжаликда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш системаси қўлланилмоқда.

Шон-шуҳрат, сохта обрў учун курашадиган кишининг камолоти ҳам, камтарлиги ҳам бўлмайди. Бироқ, эзгуликни, инсонийликни, одамийликни ўзига эп билганлар ҳамиша қадр, эъзоз топадилар. Биз умр йўлини таърифу тавсиф этаётган инсон эса фақат камтарликни, ҳалолликни ўзига қурол қилиб олган. Ана шу одатлари боис у қозоқ ва қорақалпоқлар ўлкаси Боймуродда ҳурмат-эътибор топди. Номи эса тилдан тилга кўчди. Ана шу хислатлари боис бир неча маротаба район ва вилоят депутатлигига сайланди. Айни пайтда ҳам Пўлат Сулаймонов вилоят халқ ноибидир.

— Ноиблик ёҳуд эл хизматкорлиги ҳам кишидан уддабуронлик, зўр ташкилотчиликни талаб қилади, — дейди П. Сулаймонов. — Кўп депутатларни кўраман: то сайланиб олгунга қадар ваъдани қуюқ қилишади, амалий иш дастурини қулоч-қулоч ёзишади. Аммо амалий ишга, наказлар ижросига келганда елка қисишади. Ахир, бу сайловчининг ишончини топташ эмасми? Мен ҳар гал сайловчиларим билан учрашганда юрагим увишиб, орқага тортиб кетади. Чунки бажарган ишларим ўзимга оз туюлаверади...

Камтарликни қаранг! У вилоят кенгаши депутати сифатида Боймуродда яна фельдшерлик — акушерлик пункти, янги магазин, кексалар чойхонаси қурдирди. 2-4 фермаларга асфальт йўл чиқартирди. 20 та энг олис отарларни электрлаштирди. Чўлда тегирмон, чўлда мойжувоз, чўлда стадион, чўлда маданий истироҳат боғи...

Мана, сизга бир ноибнинг сайловчилар олдидаги бурчи, бурчга садоқати! Дарҳақиқат, бир умр мезони, меваси бундан ортиқ бўлмаса керак. Ҳар қандай эзгуликнинг ҳам, яхшиликнинг ҳам ўз устқурмаси бўлгани каби Пўлат Сулаймоновнинг Қизилқум сарҳадларидаги самарали меҳнати, амалий фаолияти бугунги кунга, мустақиллик даврига келиб, муносиб баҳоланаяпти. «Иттифоқда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» деган юксак унвонга эришди. Аммо у бу унвонни, бу катта мукофотни асло ёлғиз ўзиники деб билмайди. Бу мукофот замирида бутун боймуродликлар заҳмати, бир ёқадан бош чиқариб келган саъй-ҳаракатлари ётибди... Шунинг учун ҳам П. Сулаймонов кибру ҳаводан йироқ. У ҳамон одамлар орасида, дўстлар даврасида.

Табрик телеграммалари, қутлов мактублари. Улардаги ҳаяжонли дил сўзлари. Уларда Қизилқум фарзанди, яйлов заҳматкаши Пўлат Сулаймоновнинг хизмат кўрсатган чорвадор унвонига сазовор бўлганлиги боис энг ширин тилак ва истаклар билдирилган. Айниқса, республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг телеграммасини, дил сўзларини Пўлат Сулаймонов қайта-қайта ўқийди ва ич-ичидан қувонади. Ҳа, унинг маъмурчиликка қўшаётган муносиб хизмати, истиқлол йўлидаги улуши Президентга қадар етиб борди. Бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ қувонч борми кишига!?..

**Норбобо ШАКАРОВ, Музаффар ШАРОПОВ.**

**РЕДАКЦИЯДАН: Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, доимо олға интилади. Гоҳ секин, гоҳ шиддат билан. Шу боиски, кечаги янгилик бугун эскириб қолади. Ушбу очеркни ёзиб, газетада босиб чиқарганимизча қаҳрамонимиз ҳаётида катта янгиликлар рўй бердики, уларнинг бирини очерк ниҳоясига тиркамасак бўлмас: Конимех райони халқ депутатларининг навбатдаги сессиясида Пўлат Сулаймонов район ҳокими этиб сайланди. Энди у нафақат яйлов академиги балки яйлов ҳокими ҳамдир!**



Тонгги саболардан сўзлашиб майин,
Момолар руҳини шод этар қизлар.

Ажиб туйғуларин яширган сайин,
Иболи кўринар гўзал юлдузлар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 1993 ЙИЛ 9 ИЮНДАН РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА СЎМГА НИСБАТАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ КУРСИ ЎРНАТИЛГАНЛИГИНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 741 сўм 34 тийин |
| 1 Астрия шиллинги | 96 сўм 69 тийин |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1675 сўм 10 тийин |
| 10 Белгия франки | 331 сўм 03 тийин |
| 1 Немис маркаси | 680 сўм 39 тийин |
| 1 Голланд гульдени | 606 сўм 59 тийин |
| 1 Дания крони | 177 сўм 73 тийин |
| 100 Италия лираси | 74 сўм 59 тийин |
| 1 Канада доллари | 860 сўм 55 тийин |
| 1 Норвегия крони | 160 сўм 69 тийин |
| 1 АҚШ доллари | 1104 сўм 00 тийин |
| 1 Финляндия маркаси | 201 сўм 65 тийин |
| 1 Француз франки | 201 сўм 98 тийин |
| 1 Швед крони | 152 сўм 19 тийин |
| 1 Швейцария франки | 759 сўм 02 тийин |
| 10 Япония иени | 103 сўм 78 тийин |
| 1 ЭКЮ | 1328 сўм 33 тийин |
| 10 Испан песети | 88 сўм 75 тийин |
| 10 Греция драхми | 50 сўм 08 тийин |
| 1 Ирландия фунти | 1656 сўм 88 тийин |
| 1 Исландия крони | 17 сўм 33 тийин |
| 1 Қувайт динори | 3676 сўм 69 тийин |
| 10 Ливан фунти | 6 сўм 37 тийин |
| 10 Португалия эскудоси | 71 сўм 74 тийин |
| 1 Сингапур доллари | 686 сўм 74 тийин |
| 10 Туркия лираси | 1 сўм 8 тийин |
| 1 СДР | 1563 сўм 16 тийин |

## ҚАЛБДА ИШТИЁҚ БИЛАН

Республика қурилиш материаллари концернининг Самарқанддаги 6-автобазаси ҳовлисига киришингиз билан баҳри дилингиз очилади, атрофдаги саранжом-саришталик ва гўзалликни кўриб кўзингиз яшнайди. Кўпчилик уни «Ҳасанбойнинг парки» дейишади. Бу бежиз эмас. Ҳасан Ҳақназаров 8 йил ичида жамоаси билан жарнинг ташландиқ қисмидан чинакам жаннатмакон маскан яратди. Корхона ҳовлиси кафтдек асфальтланган. Ҳовли атрофига, йўлкаларга мевали дарахтлар, гуллар экилган. Машиналар сақланадиган ва созланадиган айвонларни кўриб ҳавасингиз келади. Дарвоза олдида ярим гектарлик боғ яратилган.

Ишчи - хизматчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Дам олиш хонаси душ ишлаб турибди. Ҳатто қишда машиналар учун иссиқ сув тайёрлаб берилади.

Автокорхона ҳамдўстлик мамлакатларидаги 7 та завод билан яқиндан алоқа ўрнатган. Яқинда Россия ва қозоғистонлик ҳамкасблари ёрдамида юк машиналари двигателларини капитал созлашни йўлга қўйишди.

Бу ерда бекор одамнинг ўзи топилмайди. Директор ва унинг ўринбосари Виталий Кан, бош муҳандис Мардонқул Муродов доимо бошқа корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш пайида юришади, ҳамдўстлик мамлакатлари автокорхоналари билан шартномалар тузишади. Созлаш устахонаси бошлиғи Пўлат Ҳамидов, сле-



сарь Маъруф Мирзаев, шофёрлардан Даврон Қурбонов, Темур Қўйсинов, Искандар Маманазаровлар эса зарбдор меҳнатлари билан жамоага ибрат кўрсатишаётир.

— Бозор иқтисодиёти бизни ўз ишимизга оқилона ёндашишга мажбур қилаяпти, — дейди Ҳасан ака. — Шу боис корхона фаолият доирасини кенгайтиришга, ишчи-хизматчилар яшаш шароитини яхшилашга интилаяпмиз.

Дарҳақиқат шундай. Корхона қошида жўжачилик фермаси қурилди. Ҳозир ҳар ойда 30 мингтага яқин жўжа очириб, жамоа аъзоларига арзон нархда, қолганларини эса аҳолига сотишмоқда. Оқтош шаҳрида йилига 20 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Шартномага кўра Нарпай район бўрдоқичилик комплекси автокорхонага арзон нархда гўшт ва сут маҳсулотлари бериб туради. Уларга эса техник хизмат кўрсатилади. Дарвоқе, бу ерда ўртача ойлик 15 минг сўмдан кам эмас. Бундан ташқари ҳар ойда катта миқдорда мукофот берилади. Пенсияга чиқувчилар эса биратўла 5 ойлиги миқдорида пул олишади.

— Концерн раҳбарияти, хусусан унинг раиси Искандаровнинг амалий ёрдамидан, қўллаб-қувватлашидан бениҳоя хурсандмиз, — деди суҳбат охирида Ҳасан ака. — Чунки улар ҳар қандай шароитда ҳам биздан оқилона маслаҳат ва моддий ёрдамларини аяшмади.

**Фармон ТОШЕВ.**

## «АВИАБРОК» ФИРМАСИНИНГ АВИААГЕНТЛИГИ

Қизиқарли ва янги саёҳатларга таклиф қилади.

ПЕКИНДА Сизни Хитой пойтахтининг диққатга сазовор жойлари, тансиқ таомлари билан танишув, Буюк хитой девори бўйлаб сайр кутади...

БАНГОКДА Таиланднинг қадимий маданияти билан танишишингиз, илиқ денгизнинг латофатли пляжларида дам олишингиз мумкин...

«Авиаброк» фирмасининг авиаагентлиги хорижий сайёҳлик фирмалари билан узоқ муддатли бевосита алоқалар асосида ишлайди.

Биз мижозларимиз учун юк ҳақига ва саёҳатнинг сўм (рубл)лик қисми тўловларига имтиёзлар тақдим этамиз.

Авиаброк

Сизларни интизорлик билан кутамиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Нукус (собиқ Полтарацкий) кўчаси, 73 «б» уй, 3-қават, «Авиаброк» биноси, 54-79-39 рақамли телефонлар.

# Диққат!

## „Транс ва Ко"

(Москва хиссадорлик жамияти)

Сиздан исталган миқдорда пахта толаси сотиб олади

Бартер усулида алмашиш ҳам мумкин. Бизнинг таклиф:

-28хил навдаги Хитой чойини;

-ГАЗ-31029 ва „Жигули" (хоҳлаган моделлари) автомобиллари;

-Турли хил ўрмон материаллари;

пиломатериаллар олишингиз мумкин.

Мурожаат учун тел: (095) 386-97-00 (факс)

# ФЕРМЕРЛАР ҲИММАТИ

Жарқўрғонликлар меҳнаткаш, танти халқ. Уларнинг сўзи ва иши бир. Топган-тутганларини ўртада баҳам кўришади.

Мазкур районда сўнгги йилларда қатор хайрли ишларга қўл урилди. Хўжалик юритишда янгича усулларнинг жорий этилиши деҳқону чорвадорни янада яхшироқ, унумлироқ ишлашга ундади. Кези келганда айтиш керак, район ҳокимлиги ғайратли ва ташаббускор кишилар қадрига етди, улардан кўмагини аямади. Натижада ишлар юришиб кетди.

Бугунги кунда аҳолининг чорва маҳсулотларига, хусусан гўшт, сутга бўлган талаби кундан-кунга ошиб бораётир. Эҳтиёжни қондириш учун нима қилиш керак? Мол туёқ сонини кўпайтириб, маҳсулдорлигини ошириш билангина бу соҳани ривожлантириш мумкин. Фермерликка кенг йўл очилганлиги ҳам жарқўрғонлик чорвадорлар учун айни муддао бўлди. Шу йўсинда иш юритаётганлардан бири Норсоат Рамазоновдир. Олтмиш беш ёшли бу инсон тинчгина нафақасини олиб юраверса бўларди. Ундай қилмади. Элга фойдам тегсин деб фермер бўлди. Ҳозир унинг қарамоғида 50 бошга яқин қорамол ва 100 бош қўй-эчкиси бор. Ишлари яхши кетяпти.

—Норсоат ака ишнинг кўзини биладиган, мурувватли инсон, — дейди район ҳокимининг биринчи ўринбосари Тоштемир Хайруллаев. — У киши фермерликдан орттирганини биласизми қаёққа сарф қиляпти? Мактаб ўқувчиларига. «Аъло» ва«яхши» ўқиганларнинг ҳар бирига чорак якуни бўйича 200 сўмдан стипендия беряпти. Саноқул Бозоров деган фермеримиз ҳам етимесирларга 110 минг сўм пул ўтказди. Айтмоқчи, унинг ўзи ҳам сағир ўсган. Яқинда мактабда ҳўкиз сўйиб, ош берди. Ошхонасини таъмирлади. Ёзда мактабни тўла таъмирлаб бермоқчи. Саноқул ака фермер бўлиши билан бирга маҳалла комитетининг раиси ҳамдир.

Рости, бу гапларни эшитиб, кўнглим кўтарилди. Нима бўлса ҳам ҳар икки фермер савобли иш қилибди.

Кейин бир оз ўйланиб қолдим. Ҳозир иқтисодимиз қийин аҳволда. Шундай шароитда мурувват кўрсатиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди-ку? Жавобини топгандай бўлдим. Фермерлар ҳалол ишлаб фойда кўраётган эканми, қандини урсин. Демак, улар бойимоқда. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати, юртимиз тинчлигидан. Ниятим — юртимиздаги барча фермерлар тезроқ бойисинлар. Шундагина қозонимиз гўштга, чўмичимиз мойга тўлади.

Равшан ШОДИЕВ.

---

## ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ШУНИНГДЕК ТОМОРҚА ЭГАЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА!

«ФУМИКАР» корхонаси қишлоқ хўжалиги экинларининг қуйидаги зараркунандалари:

КОЛОРАДА ҚУНҒИЗИ, КУСАК ҚУРТИ, ОҚ ҚАНОТ, ҚАЛҚОНДОР, ТОК МЕВАХУРИ, ОЛМА ҚУРТИ, ШИРА БИТИ, ТИРИПС, ҚАНА ва бошқа ҳашаротларни

Йўқ қиладиган юмушларни адо этади ва экологик жиҳатдан тоза ва янги

«ИНТА-БИР» ПРЕПАРАТИНИ СОТАДИ

Препарат хонадонлар, маъмурий ва корхона биноларидаги сувараклар, каналар, қумурсқалар ва бургаларни ҳам йўқ қилади.

Корхона лабораторияси зараркунандаларнинг хиллари, турли экинлар касалликларини аниқлаш борасида маслаҳатлар ва буюртмачиларнинг хоҳишига кўра жойларга бориб зараркунандаларга қарши кураш бўйича тавсияномалар беради.

Корхона зараркунандалар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган ниҳоллар, янги узилган мевалар, сабзавотларни сақлаш, омборхоналарни ораста тутиш бўйича фумигация (тутатиш) йўли билан ишлов беради.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси 39-уй.

ТЕЛЕФОН: 55-22-16, 55-23-74, 54-98-62, 54-98-79.

## «КООПХОЛОД»

### ИЖАРА ПУДРАТИДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН СОВУТИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯ УСКУНАЛАРИНИ ҚУРИШ ВА СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ

Совутиш қурилмалари, назорат ўлчов асбоблари ва автоматикани қуриш, созлаш, таъмирлаш ва лойиҳалаш бўйича ўз хизматларини таклиф этади.

Ишлар келишилган муддатларда ва юқори сифатда бажарилади.

Ташкилот қурилаётган объектларни совутиш ускуналари билан бутлаш хизматларни ҳам бажаради.

Совутиш ускуналарини, назорат ўлчов асбоблари ва автоматикани қуриш ва созлаш бўйича юқори малакали газ-электр пайвандчилар, муҳандислар ва чилангарлар ишга таклиф этилади.

Алоқа телефонлари: 48-51-38, 48-51-47, 48-51-48, 48-39-28

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МЕДАЛЛАР ҚЎМИТАЛАРИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Фанлар академиясининг Ал Хоразмий ва Ал Форобий номларидаги мукофотлари таъсис этилиши муносабати билан Ўзбекистон, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа давлатларнинг олимларини рағбатлантириш мақсадида табиий ва техникавий фанлар соҳасида Ал Хоразмий номли медаль ҳамда ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида Ал Форобий номли медаль олиш учун таклифларни кўриб чиқиш қўмиталари

1993 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МЕДАЛЛАРИНИ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИШЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Алломаларнинг номларидаги медаллар олиш учун ишларни кўрсатиш юксак талабчанлик асосида, уларнинг илмий ва илмий-техникавий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоғи лозим.

Кўриб чиқиш учун кейинги икки йил мобайнида, лекин кўрсатилиш пайтидан камида ярим йил аввал матбуотда эълон қилинган ёки халқ хўжалигида жорий этилган ишлар қабул қилинади..

Ишларни қабул қилиш муддати—ушбу эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой. Ишларни медалларга тақдим этиш шартлари билан боғланган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли қўмиталарига мурожаат қилинсин. 700000 Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70-уй, 305 ва 330-хоналар. Телефонлар: 33-72-73 ва 33-82-52.

## ТАВСИЯ ЭТАДИ:

«АВ и ЭМ» илмий ишлаб чиқариш ва тижорат кичик корхонаси шакар ишлаб чиқарадиган

КИЧИК ҚУВВАТЛИ ҚАНД ЗАВОДИНИНГ

техник лойиҳа ҳужжатларини таклиф этади. Машина ва ускуналар ясалиши устидан назоратни ва маслаҳатларни ўз зиммасига олади.

Буюртмачининг таклифига кўра завод машина ускуналарини учинчи ташкилотларда тайёрлаб беришни ҳам амалга оширади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Янгиобод шаҳри Ҳокимият биноси 22-хона.

Телефон: Ангрен шаҳрида (код 266) 21-038.

---

Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида 5-хонали, 50 сотих томорқали уй

СОТИЛАДИ

---

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикасининг жамоа хўжаликларидаги қурилиш бўйича давлат кооператив бирлашмасига қарашли, қурилиш индустрия бош бошқармаси қошидаги комплектлаш ишлаб чиқариш технологик бошқармаси (УПТК)

ТУГАТИЛАДИ

Барча даъволар қурилиш индустрия бош бошқармаси томонидан эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

## «ЭЛ КАРМЕЛЬ» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси «Эл Кармель» чет эл ширкати ўз фаолиятини бошлаганлигини

ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЕЛЕФОН: 56-52-47.
ФАКС: 56-52-16.

## САМАРА ШАҲРИДАГИ «ЭКРАН» ЗАВОДИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ «ТВ-КОНТАКТ» ФИРМАСИ ОҚ-ҚОРА ТАСВИРДАГИ

— Стационар Қаскад 61 ТБ 301

— кўчма Қаскад 40 ТБ 301 Д телевизорларини улгуржи етказиб беришни таклиф этади.

САМАРАДАГИ телефон: (8462) 27-18-34.

САМАРА ШАҲРИДАГИ «ЭКРАН» ЗАВОДИ

— Қуввати 31 вт бўлган радиоэшиттириш УКВ узатгичларини,

— Йўлдош телевидениеси системаларини, 4 ГГц.

— Радиорелели телефон станцияси комплекси 5 М, 11 ГГцни таклиф этади.

САМАРАДАГИ ТЕЛЕФОН: (8462) 27-18-54,

Факс (8462) 27-18-34.

## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1 ИЮНДАН БОШЛАБ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ҲАҚИНИНГ
ЯНГИ ТАРИФИ
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ
ЭНДИЛИКДА 1 квт. СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН 1 СЎМ ТЎЛАНАДИ.

Май ойида фойдаланилган электр энергиясига эски тариф бўйича, яъни 1 кВт — соат учун 40 тийиндан 11 июнга қадар тўланади.

Электр энергиясига ҳақ тўлашда имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга берилган енгилликлар сақланиб қолинган.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ҲАҚ ҲАР ОЙНИНГ 10-КУНИГА ҚАДАР ТЎЛАБ ҚЎЙИЛИШИ ЗАРУР.

«ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ» ХИЗМАТИ.

---

Янгиобод шаҳар ҳокимиятига қарашли «Қурама» хусусий кичик корхонасининг муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МЎАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

Нашр учун масъул
Т. ЭШБЕКОВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12, 32-54-14.

Индекс 75487.

